

Темур ва темурийлар даврида томоша санъати ва мусиқа

Раззоқова Г.Қ. Тарих ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси
Maratova Gulhayo tarix talabasi.

Аннотация: мазкур мақолада темурийлар даврида томоша ҳамда мусиқа санъатининг назарий ва тарихий жиҳатлари баён этилган.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические и исторические аспекты зрелищно-музыкального искусства в период Тимуридов.

Annotation: This article describes the theoretical and historical aspects of the art of spectacle and music in the Timurid period.

Калит сўзлар: Темурийлар, маданият, санъат, адабиёт, мусиқачи Девонаи Ҳисоби

Ключевые слова: Темуриды, культура, искусство, литература, музыкант Девонан Хисаб

Keywords: Temurids, culture, art, literature, musician Devonai Hisab

Тарихда мўғулларнинг бир ярим асрлик зулмидан халқимизни халос этган, марказлашган давлат барпо этиш орқали юртда тинчлик, барқарорлик ва юксалишни таъминлаган, ўз истеъдоди, сиёсий иқтидори, қатъияти, раҳбарлик салоҳияти билан шуҳрат топган Соҳибқирон Амир Темур шахси миллат довуғини кўтарган ҳукмдор сифатида муносиб баҳосини топиб келмоқда.

“Амир Темур шахсини идрок этиш-тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш-ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш-тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир”,-деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз Ислам Каримов [“Темур тузуклари”. 2013, 76.].

Дарҳақиқат, Амир Темур кучли салтанатни оёққа қўя билди. Турон заминини қайтадан тамаддун бешигига айлантирди. Бу билан Мовароуннаҳрдаги илм-фан ва маданият довуғи жаҳонга юз тутди ва кўплаб олимлар, ижодкорлар дунёга келди. Қудратли ва мустаҳкам салтанатда Шарқ ва Ғарб иқтисодий-маданий алоқалари жонланди. Маданиятлар ҳамкорлиги натижасида Турон юрти бошқа мамлакатлар орасида ўз салобатини тиклади. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг кенг тармоқларда ривожланиши учун барча имкониятлар юзага келди. Бир сўз билан айтганда,

Амир Темур даврида давлатчилигимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди [Очилова Б. 2013, 192б.].

Маълумки, Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиёда томоша сифатида биз билган маънодаги фожиа, драма, комедиядан иборат театр бўлмаган, албатта. Бироқ кенг халқ оммасига мўлжалланган театрлаштирилган томошалар бор эди. Халқ сайиллари, бозорлар ва тўйларда масхарабоз ва қўғирчоқбозлар, дорбозлар ўйин кўрсатишган. Бу жанрлардаги артистлар мусиқачилар билан биргаликда махсус тўдаларга бирлашган ва Жаброил фаришта уларнинг пири ҳисобланган [Темур ва Улуғбек даври тарихи. 1996, 227 б.].

XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган анъанавий халқ байрамларининг илдизи минг йилликлар қаърига қараб кетар ва бу ерларда ўрнашиб қолган ислом ҳам уларни қабул қилишга тўғри келган эди. Булар табиат уйғонишига боғлиқ баҳорги сайл, Наврўз, илк гуллар, Гули Сурх, Лола, Ҳосил байрами ва бошқалардан иборат бўлган. Байрамлар шаҳару қишлоқларда бирдек ўтар, лекин пойтахт Самарқандда, айниқса кенг кўлам касб этар ва уларда жамики ижтимоий табақалар темурийлар хонадони аъзоларино сарой аҳлидан тортиб аҳолининг энг қашшоқ қатламларига қадар қатнашар эди.

Самарқандда бўлган испаниялик элчи Клавихо ўз таассуротлари ҳақида шундай ёзади: “Подшоҳнинг қариндош-уруғлари ва ҳар хил мамлакатлардан келган кўплаб элчилар подшоҳ амрига биноан катта Кўшкка ташриф буюриб, аввалгидек шоҳона базмда иштирок этдилар. Шу куни кўплаб ҳар хил ўйинлар кўрсатилди. Бундан ташқари, подшоҳ ихтиёридаги филлар яшил, қизил рангларда ва бошқа усулларда бўятилиб, уларнинг устига одам ўтирадиган кажавалар ўрнатилган. Томоша вақтида чалинган ноғораларнинг садоси томошалардан ҳосил бўлган ҳайқириқлар билан қўшилиб, ажиб бир шовқин-сурон вужудга келган эди” [Де Клавихо Руи Гонсалес. 2010, 179 б.].

Байрам кунлари шаҳар майдонларида мусиқачию раққослар, масхарабозу қўғирчоқбозлар, акробатлару дорбозлар, устасию ҳавскорлари аралаш томоша кўрсатиш алоҳида роль ўйнаган.

Масхарабозлар санъати кўп жиҳатлардан бадиҳага, жонли мулоқот ёки монологга асосланган, халқ оғзаки комедиялари, сатирик ва юмористик ҳикоя ҳамда латифалар, ҳажвий ва пантомимик рақслар, қизиқ лапар ва кўшиқлар, танқид, аския ва чандишдан иборат бўлган, тақлидий қизиқчилик алоҳида ўрин тутган.

Шарафуддин Али Яздий Самарқандда Темур даврида ўтган шундай байрамлардан бирини қуйидагича тасвирлайди: “Ҳамма томонда созандалар қуй чалишар, ой юзли, адл қоматли, гўзал ва ноз-карашмали раққосалар

нафис муқомлари, чаптаст раққослар шиддатли ҳаракатлари билан барчани мафтун... Туркча, мўғулча, хитойча, арабча қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Қизиқчилар гоҳ ҳикоялари, гоҳ кулгули томошалари билан томошабинларга чексиз қувонч улашишди. Турли-туман куй ва қўшиқлар, гўзал хонандаларнинг хумор боқишлари, ақиқ лаблардан учаётган ром этувчи овозлар, ҳар бир чолғу асбобининг сирли садоси байрам қатнашчиларига лаззат ато этди. Жумлаи жаҳон шодликка тўлуғ эди гўё.” [Раҳманов М.Р., 1972. Стр. 326].

Демак, бундан келиб чиқадики, олам уйғунлигининг намоён бўлиши ва идрок этилиши сифатида мусиқа Ўрта Осиёда қадимдан улкан роль ўйнаган. Ўрта асрларда у эстетик, илмий ва рамзий маънолар ҳам касб этди.

Ўрта асрларда аниқ ва табиий фанлар, айниқса математиканинг ривожланиши мусиқани назарий жиҳатдан англаб етишга, оҳангдорлиги ва ёқимлилигини тушунишга олиб келди [Раджабов И.Р., 1972. Стр.302]. Темур ва Улуғбек даврида Самарқанд ва Ҳиротда мусиқага бағишланган бир қатор рисолалар ёзилди.

Аждодлардан меросга қолган ва айрим ўзгаришларга учраган мусиқа асбобларнинг таркиби торли ҳамда уриб, чертиб ва пуфлаб чалинадиган турлардан иборат эди. “Мусиқа асбобларининг шоҳи”-аввал тўрт торли бўлган уд тасвирланаётган даврда 10-12 жуфт торли эди. Ҳам торли, ҳам чертиб чалинадиган асбоблардан мана шу уд (нохуннинг бир хили бўлган плеутрада чалинган), чанг ва рубоб бўлган. Пуфлаб чалинадиган асбоблардан най ва карнай, уриб чалинадиганлардан ноғора ва доира бор эди [Вызго Т.С., 1984. Стр.32]. Асосий мусиқа жанрлари шашмақом сингари анъанавий шаклларда анча аввал таркиб топган, лекин бу даврда улар ижодий жиҳатдан бойиди.

Ўрта Осиё мусиқасида кўп таркибли оркестр бўлмаган. Ижро этилаётган куйнинг оҳангдорлигини танбур яратар ва унга асосан уд, камдан кам ҳолларда най ёки чанг жўр бўлар эди. Аксари вақт уд чалувчининг ўзи қўшиқ айтган, зотан, Шарқ халқларининг маънавий ҳаётида шеърят улкан роль ўйнаганига боғлиқ ҳолда қўшиқни бу даврнинг умуман мусиқа маданиятидан ажратиб бўлмаган [Темур ва Улуғбек даври тарихи. 1996, 229 б.].

Ҳарбий юришларда эса ноғора ва карнайлардан фойдаланилган, чунки ноғоранинг улуғвор оҳанги ва карнайнинг суронли садоси қўшиннинг жанговар руҳини кўтарган, айна пайтда душманлар юрагига қўрқув солган. Бундан ташқари, ноғора-карнай садолари шаҳарга Темур, Улуғбек ва бошқа ҳукмдорлар кириб келаётганидан аҳолига хабар берган.

XV асрнинг биринчи ярмида ва ўртасида яшаб ўтган энг машхур муסיқачилардан айримларининг номи манбаларда сақланиб қолган. Жумладан, Дарвеш Аҳмад Қонуний қонун чалишда беназир бўлган, Султон Аҳмад найда ном чиқарган. Самарқандда хивалик муסיқачи Девонаи Ҳисобий машхур эди. Султон Муҳаммад бастакор ва уд ижросида беқиёс бўлган, қонун асбобини чалишда самарқандлик Хожагин Жаъфарий донг таратган. Самарқандга кўчиб келган Махсумзодаи Хоразмий савт ва нақш каби оҳангларни яратишда, бастакор Ҳофизи Чангий эса пешрав ижод қилишда мохир эдилар.

Хулоса шуки, Ўрта Осиё халқларининг маънавий тараққиётида Темурнинг диний ва дунёвий билимларга эътибор бериши катта аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талпинган. Темур ва темурийлар давридаги илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик даражасига кўтарилди. Шу даврнинг нодир қўлёмалари тарихнинг мўжизасига айланиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вызго Т.С. Музыка в миниатюрах Бехзада и художников его школы. В кн.: Камаледдин Бехзад (к 525 летию со дня рождения). Материалы научной конференции., Т, 1984.
2. Темур тузуклари. Т.: “O’zbekiston”, 2013.
3. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
4. Очилова Б.М. Мураббий-қадриятлар тарғиботчиси. Жиззах, “Сангзор”, 2012.
5. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т.: “O’zbekiston”, 2010.
6. Рахманов М.Р. Из истории древнего театра Самарканда. В кн.: Из истории искусства великого города. Т., 1972.
7. Раджабов И.Р. О музыке Самарканда. В кн.: Из истории искусства великого города. Т., 1972.